**Ушбу сонда:**

2 Улар касаба уюшмасида ишлаган эди «СИЗДАН ҚОЛГАН НОМ...»

3 ҚИРҚ ЁШГА ЕТМАЙ АКАДЕМИК БЎЛГАН ЭДИ

4 «УМИД НИҲОЛЛАРИ – 2006» соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилади

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

UZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 10 май, чоршанба № 81 (2130)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**Ислом КАРИМОВ:**

***Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши қолди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.***

# ИНСОН ХОТИРАСИ – МУҚАДДАС, ИНСОН ҚАДРИ – УЛУҒ

## 9 май - Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди

***Мустақиллик йилларида бу кун том маънода инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида мужассам этган муҳим тарихий санага айланди.***

Ушбу байрам бу гал Ҳомийлар ва шифокорлар йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширади. Хотира ва қадрлаш — инсон ақл-заковатининг бетакрор маънавий неъматлари, тирикликнинг азалий мезонларидир. Ҳомийлик, саховат ва ҳиммат, меҳр ва мурувват фазилатлари хотира ва қадр тушунчалари билан ўзаро уйғунлик касб этади. Зеро, қалби саховатга, меҳр-муҳаббатга, шафқат-шафоатга тўла инсонларгина ўз тарихини, аждодларини доимо хотирлайди ва фидойи юртдошлари, ёруғ келажак йўлида меҳнат қилаётган кишиларнинг қадрига етади.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги нишонланаётган шу кунларда юртимизда Хотира ва қадрлаш куни алоҳида эътибор билан байрам қилинаётгани теран маънога эга. Бинобарин, Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий ғалабани таъминлашда юртдошларимизнинг ҳам жасорат ва хизматлари беқиёс бўлган. Жангу жадалларда жон олиб-жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари, фронт ортида тунни тонгга улаб меҳнат қилган, ризқу насибасини ўзгалар билан баҳам кўрган меҳри дарё ватандошларимиз матонати ва фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик, барҳаёт. Айниқса, ўтганларнинг хайрли ишларини ёдга олмоқ, қадрламоқ биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир. Шу маънода, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш ва эъзозлаш, оғир жангу жадалларни бошдан кечирган, ярадор бўлиб қайтган кексаларимизни; фронт ортида машаққатли меҳнати билан ғалабага ҳисса қўшган инсонлар, айниқса, оналаримизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш ва муносиб тақдирлаш миллий қадриятларимиз қаторидан кенг ўрин олгани қувончли.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 4 майдаги Фармонига мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 61 йиллиги муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларининг пул билан мукофотланиши уларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин намойишидир. Энг муҳими, ёшларимиз онгу шуурида ўтганларни хотирлаш, тирикларни қадрлашдек инсоний фазилатлар тобора мустаҳкам муҳрланмоқда. Кечаги кун сабоқларини, халқимиз келажаги йўлида жонини фидо қилган инсонларни хотирлаш бугунги ва эртанги кунимизни қадрлашга ўргатади. Хотира бўлмас экан, Қадрлаш ҳам йўқ. Ушбу тушунчалар мустақиллик даври авлоди учун ўзига хос маънавий қадриятга айланди. Илло, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, буюк ғалабани буюк жасоратли инсонлар таъминлаган ва биз, миннатдор авлодлар бу фидойи юртдошларимизни доимо улуғлаймиз, уларнинг беқиёс матонати ва хотираси олдида ҳурмат билан бош эгамиз.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар кунгидан ҳам гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрган.

Майдон узра сокин мусиқа садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимизнинг номлари абадий муҳрланган «Хотира китоби»нинг зарҳал варақлари Ватаннинг фидойи ўғлонлари қисматидан шаҳодат беради. Мотамсаро она қиёфасида изтироб ва умид намоён...



Соат 8.40. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун, 9 май — юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган умумхалқ байрами билан барча юртдошларимизни қутлайман, — деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Мана шундай улуғ кунда халқимиз шу ёруғ ва фаровон кунларга шукроналар айтиш баробарида, ҳаётимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги учун жангу жадалларда жон олиб-жон берган аждодларимиз хотираси олдида ҳақли равишда бош эгади. Шу билан бирга, бугун ҳаёт, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак арзийди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Ўша пайтда юртимизда қарийб 3,5 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, улардан тахминан 1,5 миллион нафари урушга сафарбар этилган. Ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун 400 минг нафардан зиёд ватандошимиз уруш майдонларида қурбон бўлган, яна қанчадан-қанча кишиларимиз бедарак кетган.

Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли. Зотан, жанггоҳларда ҳалок бўлган биргина одам ҳам — Инсон. Унинг ҳаёти бемаҳал якун топди, орзуумидлари рўёбига чиқмай хазон бўлди. Бу йўқотишнинг ортида яна қанчадан-қанча қайғу, ғамалам, ҳасратлар ётибди. Бевабечораю етим-есирлар, фарзанди йўлига кўз тиккан онаизорнинг умиду надоматлари мужассам шу биргина аччиқ йўқотишнинг замирида...

Шу маънода, бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида сақланиб қолади.

Юртбошимиз бугунги кунда дунёда уруш таҳдиди наинки мавжудлиги, балки бу таҳдид кундан-кунга кучайиб бораётганига ҳам эътиборни қаратди.

— Башарият ўз тарихида уруш ҳеч қачон ҳеч кимга енгиллик, ёруғлик олиб келмаганига қайта-қайта гувоҳ бўлганига қарамай, Ер юзида урушни хоҳловчилар камаймаётгани ачинарлидир, — деди Ислом Каримов. — Афғонистонда 27 йил олдин бошланган урушнинг оқибатлари ҳали ҳам барҳам топгани йўқ, бу юртда ҳалигача тинчлик ва хотиржамлик кузатилмаяпти. Ироқдаги уруш, Эрон атрофида уруш нафасини уфураётган воқелик ҳам ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Урушга йўналтирилган бундай ҳаракатлар нега давом этмоқда? Афсуски, бу саволга жавоб топиш мушкул. Зеро, дунё тарихи гувоҳки, урушдан ҳеч қачон на уни бошлаганларнинг муроди ҳосил бўлган ва на уруш домида қолганларга енгиллик келган.

Шундай экан, урушларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деган савол туғилиши табиий. Бунинг учун, аввало, жаҳонда, минтақамизда тинчлик ва барқарорликка асосланган бугунги ва эртанги ҳаётни таъмин этиш керак. Бу йўлда ҳар қандай муаммо тинчлик йўли билан, дипломатия орқали ҳал этилиши лозим.

Мамлакатимизнинг бу йўлдаги саъй-ҳаракатлари алоҳида аҳамиятга эга. Россия билан Иттифоқчилик шартномасини имзолаганимиз, шунингдек, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Покистон каби йирик давлатлар билан дўстона ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш борасидаги келишувларимиз Ўзбекистоннинг тинчлик ва тараққиёт йўлида қўйилган залворли қадамлари эканини халқимиз, аввало, ёшларимиз теран англашлари лозим.

Энг муҳими, ҳар биримиз ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур, деди Президентимиз.

Бу борада Ўзбекистон ёшларида муайян тушунча ва тасаввур шаклланганини эътироф этар экан, Юртбошимиз ўзининг айрим таклифларини баён қилди:

— Аввало, ёшларимиз тарихни чуқур ўрганишлари лозим, — деди Президентимиз. — Негаки, ўз тарихини билмаган жамият истиқболга элтувчи йўлни топа олмайди. Тарихга беписанд халқнинг келажаги йўқ. Кўп асрлик тарихи мобайнида Ўзбекистон қанча босқинларни кўрмади, Марказий Осиё минтақаси қандай бўронлар ичида қолмади, кимлар бизни тобе ва қарам қилишга интилмади. Ана шу тарихдан сабоқ чиқармасак, эртага кечаги кун кўргуликлари қайтадан бошимизга тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача айтганда, кечаги кунидан тўғри хулоса чиқариб иш тутган жамият келажакка ишонч билан қадам қўяди.

Айни чоғда, ёшлар нафақат тарихни пухта ўрганиши, балки шу буюк ўтмишимиз билан ғурурланиб яшаши керак. Чунки, бу бизнинг тарихимиз. Амир Темур каби шавкатли аждодларимизнинг, улуғ аллома ва мутафаккир боболаримизнинг шонли ҳаёти лавҳаларидир.

Шуни ҳам унутмайликки, бугунги кишиларга, хусусан, буюк келажагимиз бунёдкорларига фақат тарихимиз билан фахру ғурур этиб яшаш кифоя қилмайди. Ғурурли, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларнинг ворислари сифатида «Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираяпман?», деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилмоқ керак. Ана шунда буюк келажагимизни таъмин этган бўламиз. Аслида, биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз ҳам, деган даъватнинг мазмун- моҳиятида айни шундай интилиш мужассамдир.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг энг ёши бугун саксондан ошган. Ўтган йили худди шу санани 33 минг 572 нафар уруш қатнашчиси жойларда биз билан бирга байрам қилганди. Бу галги байрамгача улардан 22 минг 251 киши қолди. Фахрийларимизни тириклигида қадрлайлик, эъзозлайлик. Уруш қатнашчиларининг умрини бир йил, бир ойга бўлса ҳам узайтириш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилиш бугунги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.

Ушбу санани Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлай бошлаганимизга етти йил бўлди, деди Президентимиз пировардида. Ўтган даврда бу айёмни кенг байрам қилиш юртимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар вакиллари учун одат тусига кирди. Шу маънода, ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тириклик чоғида қадрлашдек ана шу ҳаётий қарашлар элюртимизнинг қон-қонига сингиб бораётгани ва бугунги кунда ҳар бир юртдошимиз умрининг узвий қисмига, барчамиз учун муқаддас қадриятга айлангани катта воқеадир.

Шу куни Мотамсаро она ҳайкали пойи анвойи гулларга бурканди. Юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадами кечга қадар узилмади.

Хотира ва қадрлаш куни бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси**

### *Муҳаррир минбари*

# ЭРКИНЛИК

***Мустақиллик нима, деган саволга ўз вақтида мустақиллик ҳуқуқ демакдир, дея аниқ ва лўнда жавоб берилган эди. Шу хулосанинг мантиқий давоми сифатида тараққиёт сари йўл олган ҳозирги эркин, ҳур ва озод ҳаётимиз «мустақиллик бизга нима берди», деган саволга жавоб бўлади. Умумбашарий тамойил ҳисобланган демократияга боғланиб кетгани учун ҳам эркинлик тушунчаси атрофида баҳс-мунозаралар ҳали-ҳануз давом этмоқда. Масалан, биз эркин жамиятда яшаймиз, деб монополисли никоҳни телекўрсатувлари орқали бутун дунёга уялмасдан, яна фахр билан намойиш этган Англияда бизнинг асрлар давомида шаклланиб такомиллашган маҳалла институтимизга одамлар устидан назорат қилувчи орган деб қарашади. Биродарлар, маҳалла — ўз ҳудудидаги хонадонларнинг тинчлик ва осойишталик қўрғони ҳисобланади. Одамлар бахтиёр онларини, тўй-тантаналарини маҳалла билан баҳам кўрадилар. Оғир дамларда ҳам аввало, маҳалла уларга суянчиқ бўлади. Бу — удум, урф-одат ёзилмаган қонун даражасида минг йиллар давомида шаклланган. Қонун асосида яшашнинг нимаси ёмон?! Ахир «эркинлик қонун йўл қўйган барча нарсаларни қила билиш ҳуқуқидир», деган гапни сизнинг улуғ файласуфингиз Монтескье айтган-ку, десак океан ортидаги амакиларимиз, эркинлик, демократия ҳам доим ривожланишда бўлади, қабилидаги важлар билан ўз қарашларини тиқиштиришга уринадилар. Синчиклаб ўргансангиз бу қарашлар махсус хизмат маҳкамалари томонидан «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» деган тамойил асосида ишлаб чиқилганини сезиш қийин эмас. «Маҳаллани бўлиб ташла — тинчи бузилсин! Одамларни бўлиб ташла — бирлашмасин! Қўшниларни қўшнилари билан уриштириб қўй! Кейин яраштирувчи бўлиб, уларнинг устидан истаганча ҳукмронлик ўрнатиб олаверасан». Мана уларнинг эркинлик фалсафаси.***

Ўтган йили Хоразмда «Исоқ ота» номи билан машҳур бўлган товламачи иккинчи марта суднинг қора курсисига ўтирди. Бу кимса опа-сингил ожиза қизларни дўқ-пўписа билан Тошкентдаги уйига қамаб қўйиб, минг бир қийноқларга солади. Уларнинг ҳовли-жойини зўравонлик билан тортиб олади. Ғарбнинг ташвиқот машинасида «демократ тадбиркор» номи билан машҳур бўлган «Исоқ ота»дан анча-мунча идораларнинг раҳбарлари ҳам ҳайиқар экан. Қўлида қора дипломат, сочини тақир олдириб қора кўзойнак тақиб, ёнида икки-учта шотири (телохранителлари) билан юрадиган бу кимса очиқ тажовуз ва товламачиликнинг энг жирканч усулларидан маълум муддат фойдаланиб келади. Мушугини «пишт» деган кимса устидан мағзава ағдариб, интернетда тухмат тарқатишдан ҳайиқмайди. Сенсацияга ўч эркин матбуот вакиллари «Исоқ ота» навбатдаги режасини амалга ошириш мақсадида ўтказадиган матбуот конференцияларининг доимий меҳмонига айланиб қолишган эди. Суд унинг ҳақиқий башарасини жамоатчиликка кўрсатиб берди.

«Исоқ ота»нинг Фарғона, Андижон, Жиззах ва бошқа жойлардаги океанорти демократия экспортёрларининг марҳаматига сазовор бўлган издошлари шахсини ўрганиб, ҳаётини кузатсангиз, худди Ҳасан-Ҳусан ёки Фотима-Зуҳралар каби бир-бирига жуда ўхшаш-а, деб ёқа ушлайсиз.

Қўшни давлатдаги айрим ҳамкасбларимиз бизда сўз ва матбуот эркинлиги Европа андозалари даражасида ривожланган. Истасак ҳатто давлат бошлиғини ҳам эшакка тескари ўтқазиб карикатура қилишимиз мумкин, деб мақтанишар эди. Дарвоқе, у ерда чоп этиладиган газеталардан бирида шундай карикатура чоп этилган эди. Оқибатда обрўсини йўқотган эл оғаси рангли инқилоб туфайли мамлакатини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Бундан мамлакат ва халқ қандай наф топганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Эркинлик, демократия бамисоли навниҳол дарахт. Уни меҳр билан парваришласангиз, доимо эътибор қилиб турсангиз гуркираб ривожланади, кутган ҳосилингизни беради. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни эркин жамият сари ташланган муҳим қадамлар, деб баҳолаш мумкин. Жазо тизимининг либераллаштирилиши, суд ва прокуратура органларининг жазоловчи маҳкамадан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи органга айлантирилиши, ўлим жазосини бекор қилиш ва санкцияни судларга ўтказиш соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда демократик тамойилларнинг жадаллик билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Иқтисодиёт ҳеч қачон маънавий тамойилларининг қуйруғидан юрмайди. Лекин маънавиятсиз ҳам яшолмайди. Чунки маънавият соҳасидаги бўшлиқ иқтисодиёт ва сиёсатни катта-катта бўхронларга тортишини жаҳон тарихидан яхши биламиз. Масалан, Биринчи жаҳон урушидан кейинги маънавий тушкунлик Россияда коммунистик империяни, Германияда эса фашизмни тарих саҳнасига олиб чиқди. Ҳар иккаласидан инсониятга қанча вайронагарчиликлар-у миллион-миллион қурбонлар қолди, холос.

Шунинг учун мамлакатимизда кишилар тафаккурига мос равишда бозор инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ва аксинча, бу соҳада ишлаб топилган фойда таълим тизимини ривожлантиришга, ижтимоий муҳофазани яхшилаш ва ободончиликка моҳирлик билан йўналтирилмоқда.

Бундан беш-олти йил аввалги Эски Жўва ёки Отчопардаги ёввойи бозорни бир кўз олдингизга келтиринг. Туфли олгани кириб, оёғингиздаги туфлингиздан ажралиб қолишингиз ҳеч гап эмас эди. Видеомагнитафон сотиб олиб куйиб қолганмиз. Ишламаяпти, деб қайтиб олиб борсак, сотувчи тан олмаган. Ҳақимизни ҳимоя қиладиган қонуний асос тополмаганмиз ўшанда. Яқинда қўшним бир ҳафтадан кейин ишламай қолган дазмолини паттаси билан қайтариб олиб борса, сотувчи узр сўраб янгисига алмаштириб берипти. Чунки энди истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонун борлигини сотувчи ҳам, харидор ҳам бирдай ҳис этади.

Такси хизматини олайлик. Қаршида олди ғилдирагининг ўқлари синиб, йўловчилари билан ағанаб кетган кичик автобусни кўриб қанча изтироб чекка эдим. Айтиб беришларича, йўлларда бундай автоҳалокатлар бот-бот содир бўлаётган экан. Шунинг учун такси хизматини кўрсатувчи тизимни тартибга солиш, машиналарни ва ҳайдовчиларини ҳар куни эрталаб кўрикдан ўтказиб йўлга чиқариш соҳасидаги тадбирларни аҳоли илиқ қабул қилди. Гўё кичкина томирча каттароқ томирга моҳирлик билан улаб қўйилса, бундан тананинг шу қисми ҳам, пировардида бутун юрак-қон томир тизимида ҳам аҳвол яхшилангандек, нақд пул айланмасининг яна бир тармоғини соғломлаштириш йўлида хайрли ишлар қилинмоқда.

Бу мисолларни келтиришдан мақсад яна гап эркин сўз, эркин матбуот ва эркин бозорга келиб тақалмоқда. Андижондаги қуролли тажовуз ташкилотчилари ва иштирокчиларини «улар тадбиркорлар эдилар», деб дунёга жар солишнинг янги тўлқинини бошлаб юборган «эркин дунё» мафкурачилари ҳеч уялмай-нетмай бизнинг бозорларни ва транспорт хизматини тартибга солиш соҳасидаги ишларимизни «тадбиркорларнинг ҳуқуқлари поймол этилмоқда» деб айюҳаннос солишмоқда.

Амстердамдаги «Интерпол» қаҳвахонасининг эгаси жаноб Қандов муддати бир кунга ўтказиб юборилган гўштни ишлатгани учун бир ойлик жаримага тортилди. Ҳамма ҳатто матбуот ҳам буни шундай бўлиши керак, деб қабул қилди. Бироқ, «Ипак йўли — Қўйлиқ» маршрутида лицензиясиз юргани учун Сотиболди таксичи жаримага тортилса, тадбиркорнинг ҳуқуқи поймол этилаётган эмиш.

Ҳой, жаноблар, сизнингча демократиянинг, эркинликнинг аниқ стандарти, муайян қолипи бўлса, нега ўзингиз унга амал қилмайсиз?!

Ҳамма гап асосда, яъни кўнгилда деган эди буюк аллома Жалолиддин Румий. Бизнинг мақсадимиз аниқ, ниятимиз улуғ.

Ўн беш йил ичида Мустақиллигимизнинг катта карвони мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш сари дадил қадам қўймоқда. Бунинг мустаҳкам иқтисодий ва ҳуқуқий пойдевори яратилган. Энг муҳими жамиятимизда эркин фикр, эркин тафаккур ва фаол фуқаро мустақиллигимиз локомотивини ҳаракатлантирувчи кучга айланган. Итлар қанча ҳурмасин, истиқлолимизнинг қудратли карвони истиқболнинг нурли манзилларига эсон-омон етиб боради.

**Ислом КАРИМОВ:**

***Хотирасиз келажак йўқ. Агар миллат ўзининг порлоқ келажагини кўрмокчи бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи лозим. Чунки халқ, миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур хулоса ва сабоқлар чиқармоғи даркор.***

***Ўтганларнинг хотираси олдида таъзим бажо келтириш, инсонни тирик чоғида қадрлаш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлмоғи лозим.***

# ХОТИРА ЎЧМАС ЧИРОҚДИР

*Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг,*
*«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!*
*Ўлганда юз соат йиғлаб тургандан,*
*Уни тиригида бир соат йўқланг!*

**Мақсуд ШАЙХЗОДА**

***Хотира, хотира — ўчмас чироқдур,***
***Инсоннинг ёдини ёритгай мангу.***
***Хотира — ўтмишдан тушиб турган нур,***
***Ҳамда келажакка йўналган ёғду.***

Шоир айтганидек, бизни хотира уйғотади. Мангу ўчмас чироқ мисол хаёлимизни ёритиб туради. Шу боис хотира руҳга қувват берувчи маънавият булоғи сифатида эъзозли.





Инсон зоти борки, тарихий хотираси билан тирик, барҳаёт. Хотираси уйғоқ, хотираси тирик инсонгина ўзлигини танийди. Негаки, хотирагина тинимсиз ёд этишлари билан инсонни руҳий уйғоқликка, тафаккур юксаклигига чорлайди. Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек: **"Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир, амал ҳам, молу дунё ҳам, шону шухрат ҳам ўтиб кетади. Фақат халқ, халқ хотираси доим яшайди."**

Тарих улуғ мураббийдир. Асрлар давомида тўпланган тажрибалари, сабоқлари билан у инсонни тарбиялайди. Шу боис истиқболини ёрқин кўришни истаган халқ, миллат борки, тарихга юзланиб ўтган кунлардан маънавий, руҳий қувват олади.

Тарих — ҳақиқат ёлқини, тафаккур уммони бўлиши билан бирга, хотира сабоғи.

Инсоният тарихидаги ҳар битта уруш эса, эзгуликка сачраган қондир. Тарих саҳифаларида қоп-қора доғ мисол сақланаётган қонли уруш одамларни ҳамиша ҳушёрликка, тинчлик-осойишталик қадрига етишга ундаб туради. Зеро, тарих қатларида қолган 14 мингдан ортиқ уруш ичида инсоният учун энг оғир фожеа ва йўқотишларга сабаб бўлгани Иккинчи жаҳон урушидир. Маънавиятимиз ёрқин сиймоларидан бири Озод Шарафиддинов эътироф этганларидек: "Иккинчи жаҳон урушининг аввалги ҳамма урушлардан битта муҳим фарқи бор. Бу уруш Украина далаларида, Белоруссия кенгликларида, Оврўпо ҳудудларида ўтган бўлса-да, отилган ҳар бир замбарак ўқи, самолётдан ташланган ҳар бир бомба фронтдан анча олисда яшаётган тинч аҳолининг ҳовлисида ҳам портлаган, кексалар ва ёшларни жароҳатлаган".

Уруш фожиаларини англаш учун нафақат вайрона шаҳару қишлоқлар, балки фарзандидан жудо бўлган оналарнинг оҳ-ноласи, ота-онаси, уй-жойидан айрилган гўдаклар кўз ёшларини, ҳали-ҳануз уй тўрида осиб қўйилган аскар йигитлар бир тишлаб кетган нонлар, сандиқларда эгасига етолмай сарғайиб кетган куёв тўнларни ва сон-саноқсиз уч бурчак — қора хатларни хотирага келтирмоқ жоиз.

Уруш хотиралари ана шундай оғир кайфият қўзғайди. Мен урушни ҳар гал ўйлаганимда раҳматли онажонимнинг йиғлаб-йиғлаб айтиб берган хотиралари ёдимга келади. Бу аччиқ ҳикояни мен ҳам кўзда ёш билан фарзандларимга сўзлаб бераман. Шунда уларнинг нигоҳларида урушга қарши нафратни ҳис қиламан. Онам туғилиб ўсган Кўлҳовли қишлоғида икки қўли, икки оёғи, икки кўзи, ҳатто икки қулоғидан ажралиб урушдан афтодаҳол тани-жонию тили-забони омон қолган бир уруш фахрийси яшарди. Гўё урушнинг аччиқ сабоқларини одамларга кўрсатиш учун Оллоҳ унинг тани жонини, уруш офатларини сўзлаш учун тилини омон қолдирган эди. Ана шу чол умрининг охиригача урушни лаънатлаб ўтди. Ҳатто маҳаллий ижодкорлардан бири отахон ҳайкалини уруш тимсоли сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида ўрнатиш керак, деган таклиф билан ҳам чиққан эди. Урушнинг аянчли тимсолига айланиб қолган отахонни кўрганлар борки, тинчликнинг нақадар бебаҳо бойлик эканлигига иймон келтирарди.

Ҳа, инсоният ҳаётида қонли фожиа ҳисобланган Иккинчи жаҳон урушида мамлакатимиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар аскар иштирок этган. 338 нафар баҳодир ўғлонлар Қаҳрамонлик унвони, 53 нафар жангчи уччала даражали "Шуҳрат" ордени билан тақдирланган. Ватан тупроғини тумор қилиб урушга кетган ўзбек жангчиларининг жасорат ва шон-шавкати халқимиз хотирасида мангу яшайди.

Қаҳрамон оталарнинг жасорати, фидойилиги, қолаверса, Иккинчи жаҳон уруши ва унинг фожеалари халқимиз бошига солган мусибатларни мустақиллик йилларида янада чуқуррoқ англаб етдик. Энг муҳими, тарихимизга, машъум урушнинг сабаб ва оқибатларига ҳақиқат нуқтаи назаридан холис назар билан қарай бошланди. Хотира майдонида барпо этилган "Мотамсаро она" сиймоси эса Ватан тимсолига айланди.

Куни кеча эълон қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Президент Фармони уруш фахрийларини қадрлаш борасида амалга оширилаётган қутлуғ ишларнинг узвий давомидир. Айтиш мумкинки, жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида "Нуроний" жамғармаси орқали фахрийларга 12,8 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 8,7 миллион сўмлик дори-дармон етказиб берилди. 3200 нафар фахрийларнинг зиёратгоҳ ва тарихий шаҳарларга саёҳати уюштирилди. Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланаётган умумхалқ байрами бугун "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастуридан жой олган тадбирлар билан уйғунлашиб кетмоқда. Юртимизнинг ҳар бир маҳалла ва гузарларида, ташкилот ва корхоналарида ўтганлар руҳи шод этилиб, фахрийларга алоҳида эъзоз ва ҳурмат кўрсатилмоқда.

Фахрий-нуронийлар халқимизнинг руҳ устунлари, нажот қалъаларидир. Уларни қанчалик эъзозласак, қадрласак, эртамиз шунча нурафшон бўлиб бораверади.

**А.ҚОДИРОВА,**
**журналист**

---

***Инсон зоти борки ўз тарихини, аждодларини хотирлайди. Ҳаёт сўқмоқларида мадад бўлган, тўғри йўлни кўрсатган, илм ўргатган фидойи зотларни ҳамиша ёд этади, қадрлайди. Шу ўринда тармоқ касаба уюшмаларининг мустақил бўлиб шаклланишида ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган заkий инсонларни ёд этишни лозим топдим. Алоқа ходимлари касаба уюшмамиз алоҳида тармоқ сифатида эътироф этилганига ҳам мана салкам 40 йил бўлаяпти. Тармоқ касаба уюшмасининг биринчи раиси раҳматли Ғани ака Обидов эдилар. У киши ҳамиша «Ҳар кимнинг қадр-қиммати ўз ишини қойил қилиб бажаришида» дер эканлар. Ўзлари ҳам ҳаётда ана шу ҳикматга амал қилиб яшаб ўтганлари ҳақида кўп гапиришади.***

# МЕҲР
## барчага баробар нур сочувчи офтоб

*Эътироф*



Иш кабинетимда тармоқ касаба уюшмасига раислик қилганлар қаторида Ғани аканинг ҳам портретлари осилган. Ҳар тонг хонага кириб келар эканман, даставвал уларнинг салобат билан қараб турган нигоҳларига кўзим тушади. Кун бўйи улар «бугун қандай эзгу иш қиласан» дегандек, мени кузатиб туради гўё. Ҳа, дарвоқе, Ғани ака Обидов Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси сифатида ҳамиша урушни лаънатлаб, тинчликни қадрлаш ҳақида кўп гапирар эканлар.

Ана шундай азиз инсонлардан яна бири Тошкент вилоят алоқа ходимлари касаба уюшма қўмитасининг раиси лавозимида узоқ йиллар самарали ишлаб, тизимда ўз мактабини яратиб, ташкилот нуфузи ва мавқеини оширишга катта ҳисса қўшган Содиқ ҳожи Исломов эдилар. Касаба уюшмалари тизимига ишга келишимга сабабчи бўлган, доимо тўғри йўлдан юришга даъват этиб, ўзларининг доно маслаҳатлари билан ҳаётимга алоҳида мазмун ва моҳият касб этган бу зотдан ҳамиша мамнунман. Ҳозир ҳам у кишининг ўгитлари менга ҳамроҳ. «Фаолиятингда адолатни мезон қилиб олгин, касаба уюшма аъзоларининг ишончини қозон, ваъдангни устидан чиқадиган раҳбар бўлгин», деган ўгитларини амалиётга қўллаб кам бўлганим йўқ. Айниқса, у киши Ҳадиси Шарифда ёзилган қуйидаги ҳикматни жуда яхши кўриб, биз шогирдларига ҳам айтиб юрардилар: «Тўрт нарса обрўни зиёда қилади ва яхши кайфият бағишлайди: ваъдага вафо қилиш, аҳдида мустаҳкам туриш, саховатли бўлиш, эл билан ҳамкорлик».

Катта ҳаётий мазмунга эга бўлган бундай дурдона фикрларни мен ҳам атрофимдагиларга илинаман. Шундай қилиб яхшилик яхшиликдан қувватланиб, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашимизда саховатли ишлар кўпайиб бормоқда. Ана шундай эзгуликлардан бири нуронийларга саховат кўрсатиш, саломатликлари, дам олишлари учун ғамхўрлик қилишдир. Фахр-ифтихоримиз ҳисобланган, айни кунда кексалик гаштини сураётган нуронийларимизни корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказиладиган тадбирларга таклиф этиб, уларга унутилмас лаҳзалар ҳадя этишга ҳаракат қиламиз. Куни кеча Тошкент телеграф-телефон станциясида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб 300 нафар фахрийларга байрам дастурхони ёзилди.

Бундай тадбирлар тармоқдаги барча ташкилотларда уюштирилади. Бу эса нуронийларимизга маънавий-руҳий қувват бағишлаши билан бирга, ёшларимиз учун катта ҳаёт мактаби бўлиши шубҳасиздир. Зеро, устозим айтганидек, инсоний фазилатларнинг улуғи — меҳр. Шу боис уни офтобга ўхшатишади.

**Тоҳиржон НАЗАРЖОНОВ,**
**Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раиси**

---

*Улар касаба уюшмасида ишлашган эди*

***Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, умрини эзгу ишларга бағишлайди, яхшилик, меҳр-саховатга интилиб яшайди. Зоиржон Қодиров ана шундай ҳамиша ўзгаларнинг ғам-ташвишларига ҳамдард, давлат ва жамоат ишларида фаол, айни пайтда талабчан ва ажойиб инсоний фазилатларга эга бебаҳо инсон эди. Унинг олижаноб қалби меҳр-саховатга тўла эди. Айниқса, касаба уюшмалари тизимидаги чорак асрдан ортиқ фаолияти давомида меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш, адолатни юзага чиқариш, ёрдамга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш, касаба уюшмалари аъзоларининг дам олиши, саломатлиги, оиласи ва фарзандларига ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги эзгу ишлари барчага ўрнак эди.***

# «СИЗДАН ҚОЛГАН НОМ...»



Фаолиятини пойабзал фабрикасида оддий ишчиликдан бошлаган Зоиржон ака учун одамларга ғамхўрлик қилиш, муҳтожларни қўллаб-қувватлаш умр мезони эди. У қай ерда, қай лавозимда ишламасин ташаббускорлиги, ишчанлиги ва билимдонлиги, энг муҳими, юксак маънавияти билан обрў-эътибор қозонди.

Зоиржон аканинг Республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси лавозимида фаолият кўрсатган беш йиллик умри эзгуликка, яхшиликка, меҳр-мурувватга эш бўлди. Элга маънавият, маърифат улашувчи заҳматкаш фидойи ўқитувчилар, устозу мураббийлар, йўли зиёга туташ илм-фан заҳматкашлари манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида танилди. Хусусан, жамоа шартномалари ва келишувларда кўзда тутилган бандларнинг бажарилишини таъминлашда катта ташкилотчилик кўрсатди. Халқаро касаба уюшмалари билан ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Зоиржон Қодиров Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман) ҳузуридаги инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси аъзоси сифатида ҳам кўплаб одамларнинг мушкулини осон қилиб, дардига малҳам бўлди.

Зоиржон ака билимли, дунёқараши кенг инсон эди. Айниқса, унинг тил билиш салоҳияти кучли эди. Халқаро миқёсдаги анжуманларда, хорижий хизмат сафарлари чоғидаги чиқишларида инглиз тилида бемалол маъруза қилар эди.

Унинг ажойиб фазилатларидан яна бири — ниҳоятда камтар эди, дўстларини, ҳамкасбларини жуда ҳурмат қиларди. Оддий одамлар ҳамда шогирдлар билан самимий муносабатда бўлар, қўлидан келган ёрдамини аямасди.

— Отамнинг умр йўллари биз учун ҳаёт мактабидир, — дейди ўғли Ботиржон. — Меҳнатнинг нони ширин, дея бизни ҳалол яшашга даъват этардилар. Айниқса, отажонимиз ўқиш, билим олиш, умр бўйи малака ошириб бориш тенгсиз бойлик эканлигини кўп таъкидлардилар.

Зоиржон ака қисқа умри давомида ўзининг камтарона меҳнати билан эл назарига тушди. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари гўё Зоиржон акага бағишлангандек:

*Оққан сув ортига келмагай қайтиб,*
*Ўтган жойни лекин айлагай жаннат,*
*Сиздан қолган ном бу — шогирдлар ажиб,*
*Сиздан қолган ном бу — ҳеч ўлмас ҳиммат.*

**Маҳмуда МУРЗАЕВА,**
**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бўлим мудири**

---

# ДУОИЖОН ТИЛАК

***Дунёда икки аёлнинг бир-бирига ўхшаш қиёфаси бўлмаслиги мумкин. Аммо барча оналарнинг тилаги битта: «дунё тинч бўлсин». Ана шу мезон бузилса, оналар фарёд чекади. Қалби жунбушга келади.***

Онаман, тўққиз фарзандим, ўнлаб невараларим толеида Ватаним Ўзбекистон осойишталигини кўраман. Оллоҳга шукр, фарзандларимнинг бари оқил, доно, эл ишига камарбаста.

Мана беш йилдирки, оталари Бафо Саксонов раҳматли бўлса ҳам, Хотира ва қадрлаш куни гул кўтариб келишади. Бугун сизнинг ҳам байрамингиз дейишади. Аслида бу гапда жон бор. Бизнинг болалигимиз урушга тўғри келди. Эрта улғайдик, меҳнатга эрта кўникдик. Фронтга ғалла, пахта керак. Жонимизни жабборга бериб ишлардик. Аммо кун аро бир «қора хат» дилимизни вайрон этар, ҳадик, хавотир исканжасида яшардик. Кечалари жангчилар учун камзул тикиб, қўлқоп, пайпоқ тўқирдик. Уйимиздаги туршак, жийда, олма-анор борми жангчиларга илиниб, фронтга юборардик. Ҳатто онажоним энг қимматбаҳо билакузук ва зиракларини ҳам қурол-яроғ олиш учун топширганлар.

Ҳа, уруш нафақат жанггоҳларда, фронт ортида ҳам давом этарди. Ўзига тўқ хонадонлар ота-онаси урушда ҳалок бўлган етим болаларни асраб олишарди. Биз ҳам 3 нафар болани асраб олдик.

Урушнинг дарду ғамини фарзандини фронтга жўнатган оналардан сўранг экан.

Оналар дуоси дунёни асрайди, дейдилар. Ҳар куни дунёга тинчлик тилаб тонгни қаршилайман. Оналар фақат фарзандларини дуо қилиб, неваралар бешигини тебратиб, улар камолини кўрсинлар.

Жаннатмакон юртимизни ёмон кўзлардан Оллоҳ асрасин.

**Норбегим САКСОНОВА,**
**Шофиркон тумани,**
**меҳнат фахрийси, 80 ёш**

---

*Қадри баланд азиз хотира*

***Онам худди акам каби менга ҳам жасорат ва қаҳрамонлик тимсоли, — дейди машҳур пахтакор, Меҳнат Қаҳрамони Тўланбой Дадажонов. — Биз нимага эришган бўлсак, онамиз, у кишининг меҳр-муҳаббати туфайлидир.***

# ҚАҲРАМОНЛАР ОНАСИ

Ҳа, Шамсиқамар аянинг икки ўғли — қаҳрамон. Эрини урушга кузатганида Мамажон ўн ёшда, Тўланбой икки ёшда эди. Дадажон ака урушдан қайтмади. Ая ҳам она, ҳам ота ўрнида фарзандларини тарбиялаб, вояга етказди. Йиллар кетидан йиллар ўтиб, фарзандлари аянинг ёнига кирдилар. Ая қатор йиллар пилла боқди, пахта терди. У кишининг меҳнатсеварлигини, ҳалол, пок инсон эканлигини билган қишлоқдошлари ўзларига бош қилиб сайлашди. Анча йиллар мобайнида жамоа хўжалиги раиси вазифасида самарали ишлади. Ҳалол меҳнат қилиб, фарзандларини вояга етказган Шамсиқамар ая ўғли Мамажон ота касбини танлаб, трактор рулига ўтирганида севинч ёшларини тиёлмади. Адирларни ўзлаштиришда мардлик намуналарини кўрсатган йигит Марҳамат туманидагина эмас, балки бутун Андижон вилоятида юқори ҳосилдорликка эришгани ва машинада кўп пахта тергани учун Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Ўғли қалб амри билан Мирзачўлга отланганида она унга оқ йўл тилади, ҳамфикр, ҳаммаслак бўлди. Мамажон Андижонда қаҳрамон бўлган бўлса, Тўлан Дадажонов Мирзачўлда шуҳрат топди.

Она-да, ўғиллари Мирзачўлни кураш майдони деб танлашганда, келин ва невараларини қаноти остига олиб, Андижондан чўлга келди. Қаҳрамон ўғлига чўл бағрида янгидан ташкил этилаётган хўжаликка бош бўлиш ишониб топширилганида «Ишонч — йигитга қанот, қўрқма болам, мен бор», — дея далда берди. Боларининг меҳнатдаги шарафидан фахрланди. Бироқ, мағрурланмади, ўғилларини ҳам шунга ўргатди. Номи мамлакатга машҳур бўлган Мамажон Дадажонов автомобил фожеасида ҳалок бўлгани ҳақидаги мудҳиш хабарни эшитганида Шамсиқамар ая баланд тоғдан қулаб кетгандек ҳис этди ўзини. Ўғлининг жасадини қучоқлаб, қон қақшаб йиғлади. Бироқ ўғли бошлаган ишнинг ишончли давомчилари борлиги, чўл тупроғида ундирган ҳар бир туп дарахти ўзига қўйган ҳайкали эканига ишонган она ҳамқишлоқларининг Мамажонни Андижонга олиб бориб дафн этишларига қарши турди. «Йўқ, у шу ерда юртга танилди, чўлнинг эртаси ҳақида режалар тузди. Унинг жасади Мирзачўл тупроғига қўйилиши керак. Акасининг пахта терадиган машинасини Тўланим ҳайдайди, ўз қўли билан ўтқазган ниҳолларига болалари қарайди», деди. Ҳамма она иродасига бўйсунди. Жисман йўқ бўлса-да, руҳи ҳамқишлоқларига мададкор бўлди. Яйдоқ чўл ўрнида боғ-роғлар, бепоён пахтазор майдонлари барпо этилди. Чўл гулистонга айланди.

Тўланбой чиндан ҳам акасининг ўрнини босди. Чўлда пахтадан юқори ҳосил етиштиргани ва машинада кўп пахта тергани учун унга Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Тўланбой ака қарилик нафақасида бўлса-да, ҳамон меҳнат қучоғида. Фарзандларини ёнига олиб, фермер хўжалиги ташкил этган. Ҳар йили пахта, ғалла экиб, юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Машҳур пахтакор Мамажон Дадажонов хотирасини абадийлаштириш мақсадида талай ишлар қилинган. Фермер хўжалиги, мактаб, бир қанча кўчалар унинг номи билан аталмоқда. Икки қаҳрамоннинг онаси Шамсиқамар ая бугун орамизда йўқ. Бир юз беш ёшида оламдан ўтдилар. Ҳар гал Тўланбой акани йўқлаб, хонадонларига борганимда, аяни йўқлаб, суҳбатларидан баҳраманд бўлардим. Ҳар гал суҳбатлашганимда, «мен жуда бахтлиман, икки асрда яшаб, ҳозиргидек замонни ҳеч кўрмаганман. Мамлакатимиз тинч, халқимиз фаровон бўлсин» — дея шукрона айтардилар. Ҳаётдан нолиганини ҳеч эшитмаганман.



**Шарофат Турдиниёзова, меҳнат фахрийси:**

— Шамсиқамар ая қишлоғимиз фахри эди. Баракаси бор аёл экан. У кишининг панд-насиҳати бўлибми, бирон бир кўнгилхираликлар, ажралишлар бўлмади. Тўйларимиз файзли ўтарди. У кишидан биз аёллар кўп нарсаларни ўргандик. Кибрланиш, мақтаниш у кишига ёт эди. Икки ўғли қаҳрамон бўлса-да, камтар, камсуқум яшадилар. Вафот этганларига 3 йил бўлса-да, аяни қўмсаймиз. Яхши одам эди-да. Қишлоқ чеккасидаги қабристонда икки қабр ажралиб турибди. Бирида «Қаҳрамонлар онаси Шамсиқамар Қораева», иккинчисида эса «Меҳнат Қаҳрамони Мамажон Дадажонов» деган ёзувли ёдгорлик қўйилган.

Акасининг ушалмай қолган орзуларини Тўланбой ака, фарзандлари амалга оширмоқда. Улар элим деб, юртим деб ёниб яшашмоқда. Тўқсонинчи йилларнинг ўрталарида ташландиқ жойни ўзлаштириб, «Мустақиллик боғи» барпо этишди. Бир неча йилдирки, бу боғлар ҳосилга кириб, мева бера бошлади. Тўланбой Дадажонов чўл хотираларини эслаб, шундай деди:

— Акамни йўқлаб, чўлга келганимда у киши билан дала шийпони рўпарасидаги бир гектарлик олмазорни айланиб чиқдик. Лоток ариқ ёнидаги гулзорни оралаб ўтиб, кўприк устида тўхтаганларида шундай деб қолди: «Кўраяпсанми, шу ниҳолларни Марҳаматдан олиб келгандим, олди нишона кўрсатди. Чўлда ҳали ўзлаштирилмаган қанча ерлар ётганини кўрдинг. Мен асли ўзлаштирилмаган ерларда ўз сўқмоғимни яратиш ниятида келганман. Шу ниятга етмасдан кетиб бўладими, ука!».

Акамнинг орзулари ушалди, деб ўйлайман. Мен ҳам мана шу боғдаги ўрик кўчатларини Марҳаматдан олиб келиб экканман. Боғча болаларини ўрик маҳсулотлари билан сийлаб турибман.

Ҳа, чўлда ана шундай саховатли, меҳнаткаш, бир-бирининг қадрига етадиган инсонлар яшайди. Бир пайтлари «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган» сарҳадсиз чўл бугунга келиб шундай фидойи инсонлар туфайли жаннатмакон гўшага айланди.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

---

# ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗИ

Қибрай туман халқ таълими бўлимида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Бир пиёла чой устида уюштирилган тадбирда уруш фахрийлари ҳамда халқ таълими тизимида узоқ йиллар ишлаб, ёш авлодни тарбиялашдек муқаддас, шарафли касбга умр бахшида қилган Ўзбекистон халқ ўқитувчилари Маҳбуба Ғуломова, Баҳри Усмонова, Хайрулла Иноғомов, Озода Шарипова, Т.Умаров, Н.Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчилар М.Холматова, Й.Тожиев, П.Гатило, А.Баҳромов ва хизмат кўрсатган мураббийлар М.Ибрагимова, Ғ.Назаров каби алоҳида хизмат кўрсатган соҳа ходимлари иштирок этишди.

Таълим тизимида ишлаб, ҳозирги кунда қарилик гаштини сураётган 917 нафар фахрийларга тармоқ касаба уюшмаси томонидан мунтазам ғамхўрлик кўрсатиб келинаётир. Улар ҳолидан хабар олиниб, оилавий турмуши, яшаш шароитлари ўрганилди. Юқори синф ўқувчилари томонидан 176 нафар фахрийларнинг ҳовли-жойлари, экиладиган ерлари чопилиб, ҳашар уюштирилди. Кам таъминланган собиқ ўқитувчилар — II гуруҳ ногиронлари Гуласал Айнабекова, Хурсаной Эргашеваларга эса бир бошдан соғин сигир ҳадя қилинди. 23 нафар кўп болалик ходимларга ҳам моддий ёрдам кўрсатилди.

Байрам арафасида мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, кутубхоналар, ўқув юртларида ушбу тадбирга бағишлаб китоб ва расмлар кўргазмалари ташкил этилди. Юздан зиёд педагоглар эса «Туркистон» саройида концерт дастурига олиб борилди.

**Р.ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# «УМИД НИҲОЛЛАРИ — 2006»

## соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга хизмат қилади

*Истиқлол мевалари*

## МУЗАФФАР ЮРТИМИЗНИНГ КЕНЖА САРВАРИ

***Спорт тинчлик элчиси, дўстлик ва бирдамлик тимсоли. Дунёда соғлом инсондан бахтли одам йўқ. Жисмонан баркамол, руҳан етук авлод порлоқ келажакни яратади.***

Ўзининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган Қарши қарийб бир ҳафта давомида жўшқин кайфиятда, байрам оғушида яшади. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақалари қадимий ва ҳамиша навқирон Насафга ўзгача ҳусн ва латофат бахш этди. Қизғин кечган беллашувларда спортнинг 12 тури бўйича ғолиблар аниқланди. «Кичик олимпиада»да бу сафар илк бор спорт гимнастикаси бўйича ҳам кураш олиб борилди.

Азал-азалдан кураги ерга тегмаган, мардлик ва ҳалолликни муқаддас ва олий қадрият деб биладиган ориятли полвонлари, довюрак баҳодирлари билан ҳамиша шуҳрат қозониб келган замин 4 майдан 9 майгача яна бир шукуҳли синовни бошдан ўтказди. Майдонлар ва хиёбонлар, стадионлар, теннис кортлари, спорт заллари, сузиш ҳавзалари баҳорий руҳ ва кўркамликка чулғанди. Вилоятлар ва шаҳарлардан келган йигит-қизлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муҳоратларини намойиш этиб, ажойиб натижаларни кўрсатдилар.

Қалбида орзулари жўш урган болаларнинг шодон қийқириқлари, ишқибозларнинг қўллаб-қувватлаши ёш спортчиларни муваффақиятга, янги ғалабаларга чорлади.

«Умид ниҳоллари» шунчаки бир спорт тадбири эмас, балки ватанпарварлик, элюртга муҳаббат, мустақилликни асраб-авайлаш, авлодлар анъаналари бардавомлигига садоқат, соғлом ҳаёт ва руҳий етуклик намойишига айланди. Бахтиёр ўғил-қизларнинг шодон чеҳрасига боқиб кўнглинг



яйрайди. Шундай тинч, осойишта ўлкада, фарзандлари ҳеч кимдан кам бўлмаган муқаддас заминда яшаётганлигинг билан фахрланасан, киши.

Ғолибларнинг муносиб тақдирланиши ёшлар қалбини янада тўлқинлантириб юборди. Якунлар сарҳисоб қилинганда ҳаммадан кўп очко жамғарган Тошкент шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллагани маълум бўлди. Уларга Президентимиз табригининг асл нусхаси, мусобақаларнинг олтин медали, «Дамас» автомобили топширилди. Иккинчи ва учинчи ўринни қўлга киритган Қашқадарё ҳамда Фарғона вилоятлари ҳам Юртбошимиз совғаси «Дамас» автомобили, кумуш ва бронза медаллари билан мукофотланди.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан давлатимиз раҳбарининг совғалари «Дамас» автомобиллари — Китоб туманидаги гўдаклар уйи, вилоят оналар ва болалар шифохонасига берилди.

Шунингдек, бир қанча йўналишлар бўйича энг моҳир спортчилар аниқланди ва уларга ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари топиширилди.

Бухоролик шахматчи Равшан Ҳамроев, ўғил болалар ўртасида баскетболчи Руслан Йўлдошев, бадиий гимнастика устаси андижонлик Лилия Валиева, футбол бўйича энг кучли ҳужумчи Самарқанд вилоятидан Бекзод Валиев, енгил атлетикачи самарқандлик спорт устаси Александра Картинова, наманганлик волейболчи Ёқутхон Неъматова, белбоғли курашда энг тез ғалабага эришган сирдарёлик Ҳамза Маматов, миллий курашда қашқадарёлик Наим Жумаев, сузиш спорти устаси Жиззах вилоятидан Умида Ҳатамова, спорт гимнастикаси бўйича Хоразм вилоятидан Дилдора Раҳматуллаевалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Ҳар бир спорт тури бўйича олтин медал соҳибларига велосипед, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлган иштирокчиларга спорт кийимлари ва анжомлари тақдим этилди. Бундан ташқари номинациялар бўйича 100 дан ортиқ компьютер, телевизор, видео ва аудио магнитофонлар топширилди.

«Умид ниҳоллари»нинг навбатдаги финал босқичи эстафетаси Сирдарё вилоятига топширилди.

Шак-шубҳасиз, мусобақа қатнашчиларининг қалбида Президентимизнинг ушбу сўзлари бир умр сақланиб қолади. Ҳозирги кунда юртимизда ёруғ келажакни ўйлаб, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган янгиланишлар, шу жумладан, таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва самарасини ошириш бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларимиз авваламбор ягона бир мақсадни кўзда тутади. У ҳам бўлса, миллионлаб фарзандларимизнинг замон талабларига жавоб берадиган, янгича қиёфа кашф этиб бораётган мактабларда, илғор таълим стандартлари асосида, ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда билим ва тарбия олишини таъминлашдан иборат.

Қаршида ниҳоясига етган «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақалари чоғида иштирокчиларга яратиб берилган шарт-шароит ана шу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг узвий бир бўлаги ва бетакрор меҳр-мурувватнинг ёрқин ифодасидир.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**«Ишонч» махсус мухбирлари**

***Мусобақалар зўр кўтаринкилик билан ўтказилди. 18 минг 200 нафар томошабинга мўлжалланган ўйингоҳда йилнинг энг нуфузли турнири очилиш ва ёпилиш тадбирларида қатнашганлигимиз қалбларимизни қувончга тўлдирди. Келажагимиз эгаларига яратиб берилган қулайликлар биз мураббийларга ҳам катта масъулият юклайди.***

*Рағбат*

## МУКОФОТ МУВАФФАҚИЯТГА УНДАЙДИ



«Умид ниҳоллари»да мактабимизнинг 3 нафар ўқувчилари спортнинг сузиш ва футбол тури бўйича қатнашдилар. 9-синф ўқувчиси Владимир Зайичников, 5 синф ўқувчиси Виктория Ким ҳамда 10-синф ўқувчиси Жасур Тўрақуловлар фаол иштирок этдилар. Камолот, гўзаллик, ёшлик байрамининг бу қадар файзу тароватга тўлишида юртимизда халқ таълимини ривожлантиришдек эзгу ишга камарбаста бўлаётган фидойи мураббийлар ҳиссаси ҳам беқиёс.

Мусобақалар арафасида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаров мактабимизга келиб ўқувчиларга 500 минг сўмлик спорт анжомлари топширди. Жамоада 30 йилдан ортиқ меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзолари Рустам Хўжаев ва Серафима Матакянцларга даволаниш учун имтиёзли йўлланмалар ажратилди.

Илм масканида 142 нафар касаба уюшма аъзолари бор. Уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамиша диққат-марказимизда. Жамоа раҳбарияти билан ҳамкорликда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, таълим тўғрисидаги Қонун, мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури талаблари асосида иш олиб бораяпмиз. Ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлаш арафасида турган қадим Насафда ўсиб-улғаяётган ёшлар албатта, халқ фаровонлиги учун хизмат қиладиган келажак ворислари бўлиб етишадилар, деган умиддамиз.

**Лола ШОДМОНОВА,**
**Қарши шаҳридаги 1-ихтисослашган мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитасининг раиси**



## ҲАЛОЛЛИКНИ ЁҚТИРАДИГАН ЎЙИН

Мамлакатимизда уч босқичли спорт мусобақаларининг ўтиши ёшларни янада бақувват ва соғлом бўлиб ўсишларини таъминлайди. Наманган ва Бухорода бўлиб ўтган олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги универсиада спорт мусобақаларида дзю-до бўйича ҳакамлик қилганман. Бу галги «Умид ниҳоллари - 2006»нинг финал босқичига қашқадарёликлар томонидан катта тайёргарлик кўрилганлиги бизни жуда мамнун этди. Янгидан бунёд этилган замонавий спорт иншоотлари ёшларнинг ҳақиқий масканига айланиб қолади.

Беллашувларнинг самарали ўтиши кўп жиҳатдан ҳакамларнинг хатти-ҳаракатига ҳам боғлиқ. Бу галги кураш мусобақаларини одилона баҳолаб бориш учун 20 дан ортиқ халқаро тоифадаги ҳакамлар қатнашдилар. Иброҳим Каримов, Хушвақт Кафиев, Чоршамби Тожимуродов, Исматулла Бўриевлар меҳнатини алоҳида таъкидлаш керак.

Гўзаллик ва камолот байрамида адолат тамойилларига қатъий амал қилинди. Мусобақалар ўтказилган Қарши Давлат университети қошидаги академик лицей, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти, «Нуристон» академик лицейи, Олимпия заҳиралари коллежининг спорт залларида мусобақа қатнашчилари учун барча шарт-шароит яратилганлиги ўз навбатида кўплаб иқтидорли ёш спортчиларни кашф этди.

Кўриб, ўзимиз ишонч ҳосил қилдик. Қадим Қарши шаҳрининг бугунги қиёфаси тубдан ўзгариб, чирой очган. Бундай гўзаллик ҳар қандай кишининг кўнглини кўтаради. Кенг ва равон йўллар, анвойи гуллар, фавворалар шаҳар кўркига яна ҳам улуғворлик бағишлайди. Ҳалоллик ва адолат, спортчилар маҳоратини тўғри ва аниқ баҳоланиши мусобақа қатнашчиларига кўч-ғайрат бағишлади. Қизғин беллашувларда эришилган муваффақият эса кишини янги-янги ғалабаларга руҳлантиради.

**Лев ЮГАЙ,**
**мусобақалар бош ҳаками**



## МИННАТДОРЛИГИМИЗ БОИСИ

Қадим Насаф ўзининг 2700 йиллик тўйини нишонлаётган йилда вилоятимизда ўтказилган ёшлар мусобақларида воҳамиз вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар.

16 гектар майдонда ёшлар учун ажойиб спорт иншооти қурилганлиги барчамизни қувонтирди. Асосий мусобақалар ҳам шу ерда ўтказилди.

Мамлакатимиз Президенти мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табригида замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган қўли гул қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар, саховатли ҳомийларга, бутун воҳа аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга миннатдорчиликларини изҳор этганлар. Юртбошимизнинг бу дил сўзлари нафақат қурувчилар, балки аҳил жамоамизни ҳам яна янги ғалабалар сари руҳлантириб юборди. Ғоят қисқа вақтда замонавий спорт мажмуасини бунёд этишда вилоятдаги 19-деҳқон қурилиш очиқ ҳиссадорлик жамияти бунёдкорлари фидокорона меҳнат қилдилар. 9,5 миллиард сўмдан ортиқ қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Айни пайтда Рашид Ҳасанов, Жума Тўхтаев, Гўзал Қўчқорова, Ҳабибулло Худойназаров сингари мураббийлар ёшларга спортнинг дзю-до, кураш, самбо, таэквандо, футбол, баскетбол, енгил атлетика ва бокс турларини маҳорат билан ўргатаяптилар.

900 ўқувчига мўлжалланган илм масканида барча қулайликларга эга 200 ўринли ётоқхона, 160 ўринли ошхона фаолият кўрсатиб турибди. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Марказий Осиёда ягона бўлган сузиш ҳавзасига «Умид ниҳоллари — 2006» иштирокчиларининг ҳаваси ортди. Ёшларимизга улкан спорт иншоотларини қуришда бевосита кўмаклашган олижаноб бунёдкорларга миннатдорчилигимизни билдирамиз. Зеро, бундай имтиёзларга жавобан келгусида ёшларимиз мамлакатимиз жисмоний тарбия ва спорт нуфузини янада юксакларга кўтарадилар, деб ишонамиз.

**Алишер РЎЗИЕВ,**
**Қарши шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежи директорининг ўринбосари**





*Сўз — мусобақа иштирокчиларига*

## ҒОЛИБЛИК ШАВҚИ

Мактабнинг иккинчи синфида ўқиган пайтимданоқ сузиш спорти билан шуғулланаман. Кези келганда мураббийларимнинг қўллаб-қувватлашлари туфайли менга муваффақият ёр бўлиб келаётганини эътироф этишни истардим.

Тенгқурларим орасида беш карра республика чемпиони, бир қатор халқаро мусобақаларда ғолибликни эгаллаганлигим руҳимни кўтарди. Яқинда Сингапур ва Германияда ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этиб, олтин медаллар шодасига эга бўлдим.



Қаршида дугоналарим Раъно Амонова, Муштарий Аҳмедова, Малика Рустамова, Нодира Умаровалар билан биргаликда сузишнинг турли усуллари бўйича муваффақият қозондик.

Олимпия заҳиралари коллежининг замонавий бассейнида чалқанча сузиш бўйича маррага биринчи бўлиб етиб келиб, қизлар ўртасида ғолибликни эгалладим. Бу мени янги-янги зафарларга илҳомлантиради.

**Мафтуна ТЎХТАСИНОВА,**
**Андижон шаҳридаги 34-ихтисослашган мактабнинг 6-синф ўқувчиси**



## ОҚЛАНГАН ИШОНЧ

Маҳорат майдонда синалади. Беш кун мобайнида биз бунинг жонли шоҳидига айландик.



«Умид ниҳоллари» мусобақалари юқори савияда, кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Ўн бир спортчидан ташкил топган жамоамиз синовлардан муваффақиятли ўтиб, финал босқичига етиб келди. Меҳнатларимиз зое кетмади. Қўл тўпи бўйича қизлар жамоамиз охир оқибат шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой эгалладилар.

Жамоа аъзоларининг спортга меҳр-муҳаббати, мусобақалар жараёнида дадил ва қатъият билан ҳаракат қилганликлари туфайли билдирилган катта ишонч оқланди.

Ғалабада Ирина Толипова, Татяна Денисова, Ася Юсупова сингари талантли спортчи қизларнинг ҳиссаси каттадир.

Олдинда бизни янги, янада юксак марралар кутмоқда. Ўйлайманки, Қаршида эришган муваффақиятимиз сўнггиси бўлиб қолмайди. Интилганга толе ёр, дейдилар ахир.

**Владимир КАНОПЛЁВ,**
**қўл тўпи бўйича Тошкент шаҳар қизлар жамоасининг мураббийи**









ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15164 Буюртма Г— 714

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 19.30

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.